

Ҳожиларга зарур эслатма



16:42 / 15.08.2017 4981

Сайид Абдуллоҳ ал-Жардоний "Фатхул Аллам" китобида ҳаж ҳақидаги саволларни ўрганиш заруриятини шундай ёзадилар: "Ҳаж сафарига бормоқчи бўлган киши учун энг муҳими, сафарга бориш билан боғлиқ бўлган ҳамма амалларни мукамал ўрганиш ҳисобланади. Бунга йўловчининг одоби, масалан, таяммум қилишни, намоз вақтларини, намозларни қаср қилиш ва уларнинг тартибини, оёқ кийимга масҳ тортиш қоидаларини билиш зарур бўлади. Шу билан бирга, у ҳаж маросимларининг ўтказиш тартибини: мажбурий ва зарурий, ҳаж амалларини, тақиқланган ва ҳаж ибодатини бузадиган амалларни, каффоротлар, ихтиёрий ҳаж амалларини ҳамда ҳажнинг суннати ва одобларини билиши зарур". Кўпчилик ҳаж сафарига бориб туриб, ҳаж қилмасдан, яъни ҳаж амалларини қай тарзда қилишни билмасдан, тавоф ва саъйни битказмасдан қуруқ қайтишади. Агар ҳаж қилувчи ҳажнинг

барча керакли ҳаракатларидан хабардор бўлган инсонга пул тўлаб ўзига шерик қилса, бу унга етарли бўлади. Агар ўзи ўқимишли ва зийрак бўлса, ҳаж сафарининг барча амаллари батафсил ёзилган китобни ўзи билан олса ҳам бўлади.

Ҳозирги замонда кўпчилик кишилар "араблар ҳаж одобларини, амаллари ҳамда тартибларини ҳаммадан яхшироқ билишади" деб ўйлаб, арабларга ва улар бажарган амалларга тақлид қилишга ҳаракат қилишади. Бу эса катта хато ҳисобланади.

Имом Изудиддин роҳимаҳуллоҳ айтганлар: "Қизиқ, баъзи бойлар ҳаж сафари учун осон пул сарфлайдилар, ортиқча харажат(исроф)ни ҳам осон қиладилар. Лекин ҳаж амалларидан хабардор бўлган инсонга озгина пул тўлаб, ўзлари билан бирга олиб бориш улар учун жуда қийин иш. Агарда ўшандай одамни ўзлари билан олиб боришганида эди, ҳам амалларни тўғри бажаришган, ҳам ўша кишининг ҳаж сафарига бориб келган савобига тенг савобга эга бўлишар эди".

Имом Ғаззолий ва бошқалар айтади: "Исломнинг ҳамма олимлари ибодат саналадиган бирор амални ибодатнинг илоҳий аҳкомлардан хабардор бўлмай туриб, бажариш мумкин эмаслигига иттифоқ қилганлар".

Умар ибн Абдулазиз роҳматуллоҳи алайҳи айтаганлар: "Агар инсон ибодат қоидалари билмасдан туриб нотўғри бажарса, унда у тиклашнинг ўрнига бузган бўлади".

Жумҳур уламолар ҳаж ва умра сафарининг тартибини ўрганиш ҳаж сафарига отланган ҳар бир кишининг мажбурияти эканлигини таъкидлашган.

Кимдир суннат ҳажини бажараётган бўлса ҳам, уни тартибини ўрганиш керак. Чунки ким ҳажнинг бирор бир маросимини (тавоф ва ҳоказо) ёки бошқа ибодатини бажараётган бўлса, у унинг суннат ёки фарзлигидан қатъи назар, унинг бажарилиш тарзини билиши шарт.

Ҳаж ибодати аҳкомларини ишончли ва аниқ манбалардан ўрганиш лозим. Агар бу ҳам камлик қилса, шу ҳаж ибодатини амалий бажарган ва билган инсондан керакли билимларни ўрганиш керак.